



11.07.2018



Бугунги кунда Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан юридик хизмат фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Жумладан, вилоятдаги соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилган ўрганишлар жараёнида амалга оширилган ишлар билан биргаликда камчиликлар ҳам мавжудлиги аён бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган “Юридик хизмат ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ ходимларнинг белгиланган муддатларда малакасини оширганлиги ва аттестациядан ўтганлиги ҳолати ўрганилганда, Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Чуст, Чортоқ, Учқўрғон, Уйчи, Норин, Косонсой туман тиббиёт бирлашмаларининг юридик хизмат ходимлари белгиланган тартибда малака оширмаган ҳамда аттестациядан ўтмаганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги буйруғи билан тасдиқланган “Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талаблар”нинг 4-бандида, битта штатдан иборат бош юрисконсулт, етакчи юрисконсулт, катта юрисконсулт ёки юрисконсулт шаклидаги давлат органлари ва бошқармалари юридик хизмати 1 та алоҳида хизмат хонаси, мебель жиҳозлари (стол, стуллар ва шкаф), 1 та сейф ёки металл шкаф, замонавий компьютер техникаси, 1 та сканер, 1 та нусха кўчирувчи аппарат, 1 та принтер, UPS қурилмаси, телефон алоқаси, 1 та факс аппарати, телефон аппарати, интернет тармоғи, канцелярия анжомлари (сони ва миқдори заруриятга кўра) билан таъминланиши белгиланган бўлса-да, Чортоқ, Тўрақўрғон, Норин, Чуст, Мингбулоқ туман тиббиёт бирлашмалари томонидан юқоридаги талабларга панжа ортидан қаралган.

Меҳнат кодексининг 177-моддаси 1-қисмига кўра, иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ушбу Кодексга

мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шартлиги белгиланган бўлса-да, Тўрақўрғон, Норин, Чуст, Мингбулоқ туман тиббиёт бирлашмалари, Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Наманган вилоят тери-таносил касалликлари диспансерида ҳуқуқшунос иш фаолияти учун юқоридаги минимал талабларда қайд қилинган ашёлар мавжуд эмаслиги сабабли белгиланган тартибда бандлик идораларига маъмурий таклифлар киритилди.

Натижада, юридик хизмат фаолиятида йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун тегишли мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда минимал талабларнинг ижроси таъминланиб, юридик хизмат ходимларига тегишли шарт-шароитлар яратилди.

Отабек РАҲИМОВ,

Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

54 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Тўйдан олдин томоша кўрсатманг...](#) [3]
- [Фуқаронинг норозилигига сабаб нима эди?](#) [4]
- [Яшириб янглишишди](#) [5]
- [Қишлоқлар ободлигида адлия бўлимларининг ҳам алоҳида ўрни бор](#) [6]
- [Янгиланиш даврининг тамал тоши](#) [7]
- [Ассосиз айбланган ходим суд жараёнида оқланди](#) [8]
- [Мадина ишга жойлашмоқчи](#) [9]
- [Гуруч курмаксиз бўлмас](#) [10]
- [Маҳаллий давлат ҳокимияти ва адлия органлари ҳамкорлиги ҳақида нималарни биласиз?](#) [11]
- [Вагондаги ошхона шкафига нима яширилган эди?](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/3810>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/3810>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/3810>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/3853>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/3852>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/3850>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/3849>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/3848>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/3846>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/3845>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/3844>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/3842>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/3840>